ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ШОИРИ УЙҒУН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

# МИЛЛИОНЛАР БАХТИНИ КУЙЛАЙМАН!



## ЗАМОН КУЙЧИСИ

„ЖОНТЕМИР» поэмаси эълон қилинди-ю, Уйғун халқ ўртасида машҳур бўлиб кетди. Асар қўлдан-қўлга ўтиб ўқилди ва ҳозирги кунгача ўзбек совет поэзиясининг энг яхши намуналаридан бири сифатида яшаб келаётир.

«Жонтемир»нинг бунчалик машҳур бўлиб кетишига сабаб нима? Эндигина 26 баҳорни кўрган ёш Уйғун ижодида бу асар бурилиш ясади, муаллифини адабиёт оламига абадий олиб кирди, келгуси фаолиятини узил-кесил белгилаб берди. «Жонтемир»да Уйғуннинг поэтик истеъдоди яққол кўринди ва бу асар ўзбек адабиётида ёруғ бир юлдуз пайдо бўлаётганлигидан дарак берарди.

Уйғун бу поэмасида умумлашган пухта ижобий қаҳрамон яратишга сазовор бўлди. Жонтемир ҳаёти мисолида минглаб деҳқонларнинг ўтмишдаги оғир, ачинарли тақдирлари ва совет давридаги қувноқ турмушлари, меҳнат соҳасидаги муваффақиятлари чиройли, қизиқарли қилиб юксак бадиий шаклда ифода қилиб бериладики, буларни китобхон кучли ҳаяжонсиз ўқиши мумкин эмас. «Жонтемир» муаллифнинг ўзбек классик адабиётидан, рус классикларидан, халқ оғзаки ижодидан ўқиб-ўрганишининг, чуқур ижодий изланишларининг яхши самараси сифатида пайдо бўлганлиги сезилиб турибди.

Уйғуннинг шеърлари 1925 йилнинг бошларидан матбуотда кўрина бошлади. Унинг биринчи поэтик тўплами — «Баҳор севинчлари» тўрт йилдан кейин чоп этилади. Тўғри, бу тўпламга кирган шеърлар ичида ғоявий саёз, бадиий жиҳатдан заиф асарлар ҳам учрайди. Лекин шоирликка даъво қилишга арзийдиган, бадиий маҳоратнинг учқунини кўрсата оладиган поэтик асарлар ҳам бор эдики, улар «Жонтемир»дай поэма ёзилиши учун замин ҳозирлаган, унга эскизлар бўлишга хизмат қилган. Уйғун илк ижодининг аҳамияти ҳам мана шундадир.

Уйғун ижоди янги мазмун, ўзига хос характерлар, тасвирий воситалар билан, янгича услуб билан бойиб, такомиллашиб, ривожланиб борди. Санъаткорнинг биронта асари йўқки, унда даврнинг долзарб масалалари, улуғвор ўзгаришлар моҳияти, инсонлар қалбидаги орзу-умидлар, ҳис-туйғулар акс эттирилмаган бўлсин. Унинг бирин-кетин чоп этилган «Ҳикоялар», «Иккинчи китоб», «Қуёш ўлкасига», «Муҳаббат» тўпламларида ҳамда «Украина еллари», «Гуласал» поэмаларида муҳим воқеа ва ҳодиса, ҳаётдаги ва онгдаги улкан ўзгаришлар завқ билан куйланади.

Уйғун асарларидаги қаҳрамонлардан бири Назир ота сўзларини эшитиб, унга таҳсинлар айтгинг келади:

**— Менга деса агар тош ёғмайдими?**
**Барибир, пахтани терамиз!**
**Бир дона ҳам кўсак қолдирмасдан,**
**Ҳукуматга тўплаб берамиз!**

Назир ота, Карим, Гуласал, Башорат, Тожихон каби талай лирик, оригинал образлар орқали совет кишиларининг меҳнатсеварлиги, бой ички дунёси, янги социалистик ахлоқнинг тантанаси, Ватанга бўлган чексиз муҳаббатлари бадиий маҳорат билан очиб берилади.

ШОИР ИЖОДИГА чирой ва кўрк бағишлаган яна бир нарса — ундаги ватанпарварлик мотивларини чуқур ёритилишидир. Унинг илк шеърларидан бошлаб, кейинги асарларигача ватанпарварлик, гуманистик ва оптимистик туйғулар мана мен деб яққол кўриниб туради. Бу туйғулар, айниқса, санъаткорнинг Улуғ Ватан уруши даврида ёзган асарларида ўзининг кульминациясига етди.

**Муқаддас Ватаним, жондан севганим,**
**Ўлсам айрилмасман қучоқларингдан!**

Бу байт уруш йилларидаги шоир поэзиясининг эпиграфи, аниқроғи, бутун ижодининг эпиграфи қилиб олинса, тўғри бўлар эди. Бу ватанпарварлик ғоясини Уйғун барча асарларининг мағзиға сингдириб юборган.

«Зафар тароналари», «Ғазаб ва муҳаббат» тўпламларидаги барча поэтик асарлар Ватанимизга бўлган чексиз муҳаббат билан, фашист босқинчиларига кучли нафрат билан, адолатли ишнинг тўла ғалабасига ишонч руҳи билан суғорилган. Уйғуннинг, айниқса, улуғ синов йилларида ёзилган шеърлари ёшлар ўртасида, жангчилар ичида К. Симоновнинг «Мени кутгил», «Уни ўлдир» шеърларига ўхшаб машҳур бўлиб кетган эди. Унинг кўп асарлари бир неча фронт газеталарида босилиб чиқди, жангчиларимиз уларни қирқиб олиб, қайта-қайта ўқиганлар, севимли ёрларига ўзларининг шахсий қалб туйғулари, эзгу орзу-ниятлари сифатида юборганлар.

Тинчлик мавзуси — шоир асарларининг мазмуни ва моҳиятига кенг кириб борди. Тинчлик биз учун жуда ҳам қимматга тушганини чуқур тушуниб етган санъаткор бошқа қаламкаш дўстлари билан бор талант ва имкониятларини тинчликни сақлаб қолишга, урушнинг олдини олишга қаратди. У «Тинчлик куйлари», «Тинчлик кабутари», «Инсон ва фазо» каби қатор асарлар ёздики, улар янги уруш оловини ёқмоқчи бўлган империалистларга берилган қақшатқич зарба бўлди.

Биз уни халқлар ўртасидаги дўстликнинг оташин куйчиси, шонли партиямизнинг улуғвор ролини завқ билан мадҳ этувчи коммунист, келажакка ишонч билан тўғри қарай оладиган оптимист адиб сифатида яхши биламиз.

Унинг драматургияни ривожлантиришдаги хизматлари ҳам ҳазилакам эмас. Студентлар аудиториясига кирганимизда, колхозлар ва заводлар, маданият саройлари ва мактабларда китобхонлар билан учрашганимизда тез-тез қуйидаги мазмундаги саволларни эшитиб турамиз: «Уйғун поэзияда кучлими ёки драматургиядами?» Бу саволга битта жавоб —у ҳар икки жанрда ҳам кучли.

Санъаткоримиз қисқа вақт ичида йигирмадан ортиқ пьесалар ёзди. Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек Давлат академик драма театрининг репертуарини кўздан кечирсак, кўп спектакллар Уйғун пьесалари асосида яратилган. Саҳнага қўйилган «Алишер Навоий» (И. Султон билан ҳамкорликда ёзилган), «Ҳуррият», «Шубҳа», «Қотил», «Парвона», «Парвоз», «Абу Райҳон Беруний», «Абу али Ибн Сино», «Зебуннисо» ва бошқа асарлар шуни кўрсатадики, Уйғун драматургияси ўзининг баркамоллиги билан давр талабларига жавоб бераётир. «Алишер Навоий»нинг 700 мартадан ортиқ, «Парвона»нинг 800 га яқин саҳнага қўйилишида ҳам маъно бор.

УЙҒУН драматургияси Бутуниттифоқ миқёсига дадил қадам билан чиқиб борди. «Алишер Навоий», «Қалтис ҳазил», «Навбаҳор», «Ҳуррият», «Шубҳа», «Парвона» каби асарлари қардош республикалардаги қатор театрларнинг репертуарини безади. «Парвоз» эса кўпмиллатли совет драматургиясида яратилган энг яхши пьесалар қаторида СССР Маданият министрлиги томонидан Бутуниттифоқ саҳнасига тавсия этилди.

Уйғун пьесаларида фалсафий фикрни изҳор қилишга, чиройли бадиий шакллар топишга, катта мазмунни содда ва қисқа жумлаларда ифодалашга, жўшқин ҳис-туйғулар бера олишга, ғоят ҳаяжонли ишқ ҳароратини мукаммал ифода этишга, муболағалар, ўхшатишлар, мақолларни ўринли, жой-жойида ишлатишга, вазнларни равон, ўйноқи қилиб тузишга, характерларнинг табиий чиқишига ва пухта бўлишига эришилган.

Уйғун кўпқиррали санъаткор. У атоқли шоир, машҳур драматурглигидан ташқари, истеъдодли адабиётшунос, танқидчи, талантли таржимон, йирик жамоат арбоби ҳамдир. У, айниқса, Самарқанд университетини битиргандан кейин, А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида илмий ходим, сектор мудири лавозимларида ишлаган (1938—1943) вақтларида ўзбек адабиётига ва унинг назариясига оид актуал масалаларни кўтариб чиққан мақолаларни бирин-кетин эълон қилади ва адабиётшунос, танқидчи сифатида ҳам машҳур бўла бошлайди. Унинг «Адабиётда меньшевизмга қарши», «Переверзев назариясининг моҳияти нимадан иборат?», «Социалистик реализмни эгаллаш йўлида» (Ҳамид Олимжон билан ҳамкорликда ёзилган), «Навоийнинг «Чор девон»и ҳақида», «Муқимий» каби қатор мақолалари жиддий аҳамиятга эга. Уларнинг адабиётимиз тарихини, унинг назарий масалаларини партиявий нуқтаи назардан ўрганишда роли катта бўлган. Лекин унинг танқидий асарларига адабиётшунослигимизда дурустроқ эътибор берилгани йўқ.

Уйғун Л. Толстойнинг «Ҳожимурод» повестини, А. Чеховнинг «Олчазор», «Чайка» пьесаларини, В. Шекспирнинг сонетларини, И. Криловнинг масалларини, А. Пушкин, Т. Шевченко, А. Тўқай, Абай, Я. Коласнинг шеърларини миллий колоритни сақлаган ҳолда ўзбек тилига ағдариб, ўқувчиларимизни хушнуд этди.

1951—1954 йиллар мобайнида у республика Ёзувчилар союзи правлениесига раҳбарлик қилди. Уйғун бир неча чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати. Шу билан бирга у Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси ҳамдир.

УЙҒУН асарлари кирмаган хонадон диёримизда йўқ. У қардош халқларнинг ҳам севимли шоири. Унинг адабиёт соҳасидаги ва жамоатчилик ишлари муносиб тақдирланган. У қатор орден ва медаллар билан тақдирланган. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвонига эга. Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреатидир. Куни-кеча унга СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

Ўзбекистон ССР халқ шоири, республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Уйғун, мана, 60 йилдирки, самарали ижод қилиб келмоқда. Ўзининг қуйидаги мисраларига тамомила содиқлигини у исбот этди:

**Миллионлар бахтини куйлайман!**
**— Миллионлар бахтини!**

Миллионлар бахтини куйлаган Уйғун бахтли санъаткордир ва шундай бўлиб қолади ҳам.

**Ҳафиз АБДУСАМАТОВ,**
**Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати.**

---

УЙҒУН,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

## БАХТЛАР ВОДИЙСИНИНГ БОҒЛАРИ СЎЛИМ

### КЕЛАЖАК ЎТМИШДАН ГЎЗАЛ

Келажак ўтмишдан гўзал дейдилар.
Нурли келажакда кўп бўлар тўйлар.
Келажакда ошар амалга, шаксиз,
Ўтмишда амалга ошмаган ўйлар.

Бора-бора, ҳасад, хиёнат,
Душманлик, ёвузлик унутилади.

Бора-бора севги, садоқат, дўстлик,
Қардошлик дунёни бўстон қилади.

Бора-бора жумла-жаҳонда тамом —
Ёвузлик ўрнини эзгулик олур.
Гўзал келажакда ҳукмрон бўлиб
Қардошлик, муҳаббат ва дўстлик қолур.

### ДЎСТЛИК БЎСТОНИ

Озод диёримизнинг шавкату шони Тошкент.
Аллома халқимизнинг иқболи, жони Тошкент.

Тарихда номи машҳур, жангу жадалда ғолиб,
Доим зафар қозонган мардлар макони Тошкент.

Қўйнида кеча-кундуз порлар Ильич чироғи,
Нури билан нурафшон айлар самони Тошкент.

Республикамга лойиқ шавкати зўр пойтахтим,
Ҳур, бахтиёр элимнинг жону жаҳони Тошкент.

Бағрида ўсди яшнаб санъат, ҳунар, саноат,
Фазлу камолу, илму донишнинг кони Тошкент.

Бошдин-оёғи гулшан, гулзору, боғу бўстон,
Боғларга берган оро, боғлар боғбони Тошкент.

Кўркам, баланд бинолар, гўзал, олий саройлар,
Кўк тоқига чўзиб бўй ўсар ҳар они Тошкент.

Келса саёҳат айлаб дўстлар узоқ-яқиндан
Хурсанд бўлар уларни кўрган замони Тошкент.

Боғбону ишчи, деҳқон, олим, қурувчи, меъмор
Ижодидан яшарган дўстлик бўстони Тошкент.

Тинчлик ишига содиқ, эллар билан иноқ, дўст,
Аҳдини бузмагай ҳеч тинчлик қўрғони Тошкент.

Ленин даҳосидандир топган қадру камоли,
Ҳур, бахтиёр элимнинг жону жаҳони Тошкент.

### ТУН ЛИРИКАСИ

Ойдин кеча, нурдан кулар
Гулларнинг лаби.
Булбул сайрар, ел шивирлар.
Шилдирар сувлар.

Дамлар ўтар аста, вазмин
Карвонлар каби,
Ва пайдарпай садоларни
Садолар қувлар...

Табиатнинг шеърияти
Сўнмас унида,
Қудрат сезиб, ҳиссим тошди
Гўёки булоқ.

Нур сочилган, гул очилган
Баҳор тунида
Абадият қўшиғига
Солардим қулоқ.

### СОҲИЛДА

Анави, денгизга хаёлчан боқиб,
Соҳилда ўтирган ким бўлса экан!
Ишчими, олимми, билиб бўлмайди,
Дарҳақиқат билиш қийин дафъатан.

Кўзида кўзойнак, қўлида китоб,
Эгнида покиза, бежирим либос.
Фикрлари теран, суҳбати ширин,
Мулоҳазалари олимларга хос.

Олим деб ўйласам буларга қараб,
Ишчи бўлиб чиқди, билибман кейин.
Бу замонда илғор ишчини, дўстим,
Олимдан ажратиш жуда ҳам қийин.

Ишдагина эмас, дам олишда ҳам,
Ишчи билан олим ҳуқуқда бирдек.
Навбатдаги янги бир ихтирони
Ўйламоқда ишчи, хаёл суриб тек...

### САРОБ ЭМАС

(ҚОРАҚУМ КАНАЛИДА)

Борми бизнинг қудратимизга
Бўйсунмаган биронта соҳа!
Сароб эмас, кўзга кўринган,
Қум қўйнида гуллаган воҳа.
Сароб эмас, ўзинг ичиб кўр,
Чўл бағрида оқаётган сув.

Сароб эмас биз яратган кўл,
Юлдузларни акс этган кўзгу.
Бу зилол сув қумнинг минг йиллик
Чанқоғини қондирган шароб.
Қаҳрамонлар ҳамла қилганда
Ҳатто қўрқиб чекинар сароб.

### ҲАЙКАЛ

Ўлсам менга ҳайкал қўйманглар, деган,
Улуғ Толстойнинг васияти бор.
Шу сабабдан унинг муборак қабри,
Ҳашамсиз, ҳайкалсиз—оддий бир мозор.
Ҳайкал одамларнинг хотирасини
Абадий сақламоқ учун қўйилур.
Қадрдон кишининг севикли номи
Ўчмасин деб мармар тошга ўйилур.

Аммо ҳайкалсиз ҳам у буюк зотнинг
Ёрқин хотираси сақланур абад.
Халқлар, асрларнинг тасаввурида
Юз том асар билан кўтаради қад.
Ҳар бир шоҳ асари унга бир ҳайкал,
Шу шоҳ асарларда ўлмас ҳаёти.
Совуқ мармар тошга эмас, халқларнинг
Иссиқ юрагига ўйилган оти.

---

## ҚАРДОШЛАР, ҚАЛАМДОШЛАР ТАЪРИФИ

### КАМОЛОТ

Уйғун, энг аввалю, лирик шоир, Николай Асеевнинг сўзи билан айтганда, ўз истеъдодининг йўналиши бўйича «вужуд-вужудига қадар лирикдир». Бугунги кунда Уйғуннинг етук таланти камолот даврига эришган ҳамда у яратган энг яхши ижод самаралари йиллар синовидан муваффақиятли ўтди. Эндиликда унинг лирикаси рус китобхонлари қалбига ҳам етиб борди ва дилларни тобора забт этмоқда. Уйғун ниҳоятда ёрқин, тўла маънода замонавий, миллийлиги, мавзуси, сўз қурилиши ва луғат составни нуқтаи назаридан «шарқона», шу билан бирга Ўрта Осиё ранглари ва жилваларини ўзида акс эттирган шоирдир.

**Вера СМИРНОВА.**

### ИЖОДНИНГ ШАРАФЛИ ЙЎЛИ

Уйғун машаққатли ва шарафли ижод йўлини босиб ўтган халқ шоири, кўзга кўринган жамоат арбобларидан бири. Йигирма ёшли бошловчи шоирдан ҳозирги замон шеърияти ва драматургиясининг классигигача бўлган масофани дафъатан босиб ўтиш осон иш эмас. Номи совет адабиётида, хусусан совет поэзиясида жаранглаб турган Уйғуннинг асарлари Украинага ўз уйига киргандек кириб келмоқда.

**Иван ЛЕ.**

### УМРИ УЗОҚ АСАРЛАР

Уйғун асарлари умрбоқий асарлардир. Адабиётга, халққа, Ватанга, буюк ва муқаддас ишга хизмат учун келган шахсларнинг асарлари доимо севимли, умрбоқий бўлади. Шарафли, қуёшли санъат йўлининг фидокор, мубориз йўлчиси, дўстлик, қардошликнинг толмас жарчиси Уйғун шеърияти доимо ёш шеъриятдир. Инқилоб баҳорини, инсон саодатини, Ленин ишининг тантанасини муҳаббат билан, илҳом билан тараннум этган ҳамқалам дўстим Уйғуннинг ижодий ютуқлари мени беҳад севинтиради.

**Сулаймон РУСТАМ.**



ИЖОДИЙ ГУРУНГ. Суратда (ўнгдан чапга) Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Уйғун Эркин Воҳидов, Саид Аҳмад ва Мирмуҳсин билан.

### ШОИРНИНГ ХИТОБИ

1942 йил... Мен Уйғуннинг «Қор» шеърини тинглаганимда фашист босқинчиларига қарши мардона курашаётган она Белоруссиямнинг қор босган ўрмонлари кўз олдимга келди. Фашистларга кафан бўлсин қор, деб қилган шоирнинг хитоби ҳамон қулоғим остида жаранглаб турибди.

Мен мазкур шеърни белорус тилига таржима қилганман.

**Эди ОГНЕЦВЕТ.**

### АДАБИЁТЛАР ДЎСТЛИГИНИ УЛУҒЛАБ

Уйғун ўзбек шеъриятининг ёруғ юлдузларидан бири бўлиб, поэзия осмонида чарақлай бошлаганидан бери қозоқ шеърияти дўст адабиёт эканини унутгани йўқ. У ўттизинчи йилларнинг ўрталарида қозоқ шеъриятининг юксак намуналарини ўзбек тилига ағдариб, ўзбекча гапиртирди.

Бугунги кунда Уйғун ўзбек адабиётининг намояндалари сирасига киради. У совет адабиётининг йирик шоири, драматурги!

**Абдулла ТОЖИБОЕВ.**

### БИРОДАРЛИГИМИЗ ҚАДИМДАН ЖУДА...

Уйғун... Бу ном қозоқ шеърхонлари учун ҳам азиз. Зеро, шоирнинг ўзи «Қозоқ қардошимга» шеърида айтганидек: «Бизнинг дўстлигимиз қадимдан жуда, Қиз олиб, қиз бериб, бўлганмиз қуда...»

Ўзбек адабиёти дурдоналари қозоқ китобхонлари меҳрини қозонишида, қозоқ адиблари асарлари эса ўзбек халқининг маънавий мулкига айланишида Уйғуннинг хизмати беқиёсдир. Абайнинг, қозоқ шеъриятининг бошқа намояндалари асарларини ўзбек шеърхонлари унинг таржимасида севиб ўқишаётир. Айни чоғда Уйғун шеъридан баҳра олмаган киши ҳам Қозоғистонда кам топилади. Шу боис бўлса керак, унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилиши асл шеърхонларнинг шодиёнасига айланиб кетди.

Умрингиз боқий бўлсин, устоз!

**Қалдибек СЕЙДАНОВ,**
**доцент.**

## ҒАРАЗНИ ЕНГГАН ҒАЗАБ

ҲАЖВИЯ

Нозимжон Носиров адабиёт дарсини энди бошлаган эди, ногоҳ эшик очилди-ю, Пинҳонқул Ёзарбоевнинг башараси кўринди. Табиийки, болаларнинг нигоҳи унга йўналди. Эшикка яқин жойда тик туриб шеър ўқиётган Нозимжон ака енгил бир ҳаракат билан эшикни ёпди ва давом этди:

**— Тавба...**
**Бу лаънати, асти,**
**нима қилади?**
**Қани энди бўға бошласам!**
**Иложи бўлса-ю**
**лаънатини**
**Тилка-тилка қилиб**
**ташласам!**

«Назир отанинг ғазаби». Муаллим тилидан янграётган бу ғазаб эшик ортидаги Пинҳонқул Ёзарбоевнинг қўлидаги магнитафон лентасига шундоғича муҳрланиб қолаверди.

Уч кундан сўнг ўқитувчилар орасида миш-миш тарқалди, нима эмиш, юқоридан комиссия келармиш. Пинҳонқулнинг қўлида фактлар бор эмиш, текшир-текшир бўлармиш.

Ҳа, текшир-текшир ҳам бўлди. Натижаси муҳокама қилинди-ю, Нозимжон Носиров яхши ишлагани эвазига раҳматнома, Пинҳонқул Ёзарбоев эса кишиларнинг тинчини бузгани, фисқ-у фасод билан шуғуллангани учун ҳайфсан олди.

**Қ. НОРБОЕВ**

